

Махсус электрон ахборот портали (Электрон тендер) орқали 04.07.2022 йил соат 12:16даги  
Хайдовчи билан Махсус техникаларни Ижарага олиш

5- сонли ШАРТНОМА

Наманган ш.

06.07.2022й.

Корпоратив буюртмачи бўлган кейинги ўринларда “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи “НАМАНГАН ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ” МЧЖ, номидан ишончнома асосида иш юритувчи директор Халилов Т.А. бир тарафдан ва кейинги ўринларда “ИЖРОЧИ” деб аталувчи “HALOL MAKON TRADE” МЧЖ номидан ишончнома асосида иш юритувчи директор И. А. Каххаров иккинчи тарафдан, биргаликда «ТАРАФЛАР» деб аталувчилар Махсус ахборот порталида ўтказилган электрон танлов натижасидан келиб чиккан лот № 113607 баёни асосида қуидагича шартнома туздилар.

**ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ:**

1. Буюртмачи буюртма оркали берган иш ва хизмат учун жаъми тўловни аввалдан тўлиқ холда амалга оширади ва кўрсатилган иш, хизматни қабул қилиб олади. ИЖРОЧИ қуидаги шартларда иш, хизматлар кўрсатади:

1.1. Хайдовчи билан Махсус техникаларни Ижарага олиш

№	Иш, хизмат номи	Үлчов бирлиги	Сони	Бир үлчов бирлиги учун белгиланган нарх сум	Битим суммаси сум
1	Трейлер для перевозки специальной техники	Тонна/км	20 тон/200км	6 000 000	6 000 000
2	Тягач 2-х осевой с 4-х осевым прицепом (тентованный)	Тонна/км	50тон/800км	17 500 000	17 500 000
3	Самосвал грузоподъемностью до 25 тонн	Тонна/км	20тон/60км	3 000 000	3 000 000
4	Топливоз объемом до 30 тонн	Тонна/км	30 тон/100км	15 500 000	15 500 000
5	Автокран грузоподъемностью до 20 тонн	Машино-час	3 Машино-часа	1 500 000	1 500 000
6	Автогрейдер (бульдозер) отвал не менее 6 метров	Машино-час	3 Машино-часа	1 500 000	1 500 000
7	Автокран грузоподъемностью до 100 тонн	Машино-час	3 Машино-часа	2 1000 000	2 100 000
8	Каток не менее 8 тонн	Машино-час	5 Машино-часа	2 050 000	2 050 000
9	Экскаватор, объем ковша не менее 0,28 м/куб	Машино-час	6 Машино-часа	4 300 000	4 300 000
Жаъми					53 450 000

Шартнома суммаси 53 450 000 (Элли уч миллион тўрт юз эллик минг сум ).

**2. ТЎЛОВ ТАРТИБИ, ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ ВА ШАРТЛАРИ**

- 2.1. Буюртмачи буюртмаси суммасининг 100% миқдорида тўловни Ижрочи хисоб рақамига 2 (икки) иш куни ичида ўтказади;
- 2.2. Ижрочи тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида хабарнома олганидан бошлаб (8) саккиз соат ичида Буюртмачини Махсус техника ёки хайдовчи билан таъминлайди;
- 2.3. Буюртмачи Ижроchedan сўралган маҳсус техникани бутлиги ва сифатини мувофиқлигини Ижрочининг иштирокида текшириб қабул қилиб олади;
- 2.4. Барча транспорт харажатлари Ижрочи томонидан қопланади (агар мазкур шартномада бошقا шартлар белгиланмаган бўлса).

**3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 3.1. Буюртмачи қуидаги ҳуқуqlарга эга: Ижроchedan мазкур шартноманинг 1-бандига мувофиқ бўлган миқдордаги ва сифатдаги Махсус техникани етказиб беришни талаб қилиш;
- 3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари қуидагилардан иборат: Буюртма суммасининг 100%миқдоридаги тўловни мазкур шартномада кўрсатилган муддатда Ижрочининг хисоб рақамига ўтказиб беришни таъминлаш;

3.3. Махсус техникани етказиш ва қабул қилиб олиш саналарини Ижрочи билан езма равишида хабарлашиб келишиб олиш; Етказиб берилган Махсус техникани мазкур шартномада кўрсатилган муддатларда қабул қилиб олиш.

3.3. Ижрочи қўйидаги ҳуқуқларга эга: Буюртмачи билан келишган ҳолда Махсус техникани муддатидан кечиктирмасдан етказиб бериш; Буюртмачининг ўзи томонидан берилган талабномага мос бўлган Махсус техникани қабул қилиб олишни рад этиши натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

3.4. Ижрочининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат: Буюртмачига Махсус техникани мазкур шартномага мувофиқ сифат ва миқдорда ва белгиланган саналарда етказиб бериш; Махсус техникани етказиб бериш санаси ва вақтини езма равишида Буюртмачи билан келишиб олиш;

3.5. Шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва мазкур шартнома талабларига мувофиқ ижро этилиши лозим.

3.6. Тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарилишини таъминлаганларида Шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

#### **4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТИ**

4.1. Буюртмачи ва Ижрочи мазкур Шартнома шартларини бажармаганлик ва бузганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

4.2. Тарафлар қонунчиликда белгиланган форс-мажор ҳолатлари мавжудлиги натижасида шартномада белгиланган мажбуриятларини бажариш иложсизлигидан тўлиқ ёки қисман бажара олмаганларида жавобгарликка тортилмайдилар.

#### **5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

5.1. Тарафлар юзага келган баҳс ва мунозараларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Тарафлар юзага келган мунозараларни ҳал этиш учун даъвогарнинг жойлашган ҳудуди бўйича судга мурожаат қилишлари мумкин.

5.3. Тарафлар ўртасидаги мазкур шартномада кўзда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан тартибга солинади.

#### **6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

6.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан тузилган заҳоти кучга киради ва 05.07.2023 йилгача амал қиласди.

6.2. Шартнома муддатининг тугаши тарафларни жавобгарликдан озод этмайди.

#### **7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишида пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдааги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пурратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қўйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиши, божхона расмийлаштирувани амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишида тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равишида олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга

маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мulkning асл хусусиятини, манбани, турган жойини тасаррuf этиш, кўчириш үсулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мulkka бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазийқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

7.5. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказиша битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қўйидааги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: - коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан мурносасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар ҳаракатларга оширишлари шарт: - коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида бериш; - улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун фойдаланмаслик; - уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

7.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазийқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

7.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 7.4- ва 7.5- бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зўдлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф заарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 8. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ ИЖРОЧИ БУЮРТМАЧИ

<b>Номи:</b> HALOL MAKON TRADE MCHJ <b>Манзили:</b> Наманганская область, Чартакский район, Дустлик МФЙ Субхидам кучаси № 232 ўй <b>Тел:</b> +998999776777 <b>Факс:</b> +998999776777 <b>СТИР:</b> 309523670 <b>Ҳисобрақам асосий:</b> 20208000305523931001 <b>Банк:</b> НАМАНГАН Ш., "ТРАСТБАНК" ХА БАНКИНинг НАМАНГАН ФИЛИАЛИ <b>МФО:</b> 01060	<b>Номи:</b> "NAMANGAN XALQARO AEROPORTI" МЧЖ <b>Манзили:</b> Наманган ш, Давлатобод тумани, Аэропорт кўчаси 1-ўй <b>Тел:</b> 69 228 69 35 <b>Факс:</b> 69 228 69 35 <b>СТИР:</b> 200048116 <b>Ҳисобрақам асосий:</b> 20210000600227584001 <b>Банк:</b> НАМАНГАН Ш., ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИНинг НАМАНГАН БУЛИМИ <b>МФО:</b> 00222
--	--



МП.

нахсун И.А.Бохдоров



МП.

Кадиров Г.А.